



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-405 -сон

Termiz sh.

Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи ҳудудидан “Azizshox Imron Termiz” хусусий корхонасига енгил конструкцияли “Иссиқхона” ва “Чорвачилик комплекси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/361-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 15 апрелдаги 56-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2021 йил 31 мартдаги 01-08/74-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи ҳудудидан “Azizshox Imron Termiz” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг бқ-дала контуридаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,50 гектарига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мақсадида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 0,50 гектарига “Чорвачилик комплекси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “Azizshox Imron Termiz” хусусий корхонасига:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида

ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. “Azizshox Imron Termiz” хусусий корхонаси 0,5 гектар яйлов ер майдонига “Чорвачилик комплекси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 629 230 (етти миллион олти юз йигирма тўққиз минг икки юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

7. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов